XALQ DEPUTATLARI SHAROF RASHIDOV TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 1 - avgust VI-39-121-3-46-K/22 Sharof Rashidov tuman hokimligi

Шароф Рашидов туманидаги номсиз географик объектларга янги ном бериш, бир-бирини такрорловчи номларни ўзгартириш ҳамда қайта номлаш тўғрисида

Тумандаги номсиз географик объектларга янги ном бериш, бир-бирини такрорловчи кўчалар номини қайта номлаш юзасидан маҳалла фуқаролар йиғинидан келиб тушган таклифлар шакллантирилди ва мазкур таклифлар атрофлича муҳокама қилиниб, маҳалла ва кўчаларни қайта номлаш ҳамда тумандаги номсиз кўчаларга, қабристонларга берилган янги номларни тасдиқлаш бўйича Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги туман комиссияси давлат экспертизасидан ўтказиш учун юборган таклифларга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссияси томонидан тақдим этилган хулосалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 295-сонли қарори ҳамда туман комиссияси таклифларини инобатга олиб, Халқ депутатлари Шароф Рашидов тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Шароф Рашидов тумани ҳудудидаги бир-бирини такрорловчи кўча ва маҳалла номларини ўзгартириш ҳамда номсиз кўча, қабристонларга янги ном бериш бўйича Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифлари юзасидан давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссияси (кейинги ўринларда Эксперт комиссия деб аталади) хулосалари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Эксперт комиссиянинг Шароф Рашидов тумани ҳудудидаги мавжуд такрорий номларни қайта номлаш ҳамда номсиз кўчаларга янги ном бериш бўйича таклифлари маъқуллансин.

3. Шароф Рашидов туманида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларидаги номсиз ва қайта номланган кўчалар рўйхати 1-иловага;

туман ҳудудидаги номсиз қабристонларга берилган янги номлар рўйхати 2-иловага;

туман ҳудудидаги 1 та маҳаллани қайта номлаш 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман статистика бўлими (А.Ҳикматов), Кадастр агентлиги Жиззах вилояти бошқармасининг Шароф Рашидов тумани филиали (А.Орифхўжаев), туман архитектура ва қурилиш бўлими (И.Ўрозалиев) ҳамда тегишли мутасадди ва давлат органларига амалдаги тартибда ном берилган ва номлари ўзгартирилган кўчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базасини шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман Ички ишлар бўлими (А.Муратов) ном берилган ва номлари ўзгартирилган ҳудудларда аҳолининг фуқаролик паспортларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

6. География объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш бўйича туман комиссияси (Т.Пардаев, Н.Раҳмонқулов) ном берилган ва номи ўзгартирилган кўчалар, қабристонлар ва маҳаллага уларнинг номлари ёзилган металл кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳалар босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

7. Белгилансинки, географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8. “Jizzax tonggi.uz” газетаси (М.Абдурахмонова) ва туман ҳокимлиги матбуот хизмати (Ж.Азимов) ушбу қарор газета ва туман ҳокимлиги расмий сайти саҳифасида ёритилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш халқ депутатлари туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Омонлиқов)га ва қарор ижросини таъминлаш география объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссияси (Т.Пардаев) зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси **М.Холбутаев**

Xalq deputatlari Sharof Rashidov tuman Kengashining
2022 yil 1 avgustdagi
VI-39-121-3-46-K/22-son qaroriga
1-ilova

Шароф Рашидов туманида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларидаги номсиз ва қайта номланган кўчалар

РЎЙХАТИ

Т/Р	Т/Р	Географик объектнинг тури	Жойлашган ўрни	Географик объектнинг амалдаги номи	Туман комиссияси томонидан берилган янги номлар	Изоҳ
1		2	3	4	5	6
Марказий кўчалар						
1	1	Шоҳ кўча	Қаҳрамон, Истиқлол, Уч тепа, Янги ҳаёт, Янгиобод МФЙлар	Номсиз	Алишер Навоий	Шароф Рашидов туманининг Қаҳрамон, Истиқлол, Уч тепа, Янги ҳаёт ва Янгиобод маҳаллалари ҳудудидан ўтганлиги ҳамда Пахтакор тумани билан боғловчи марказий кўча бўлганлиги сабабли ушбу марказий кўчага Алишер Навоий номини бериш таклифи маъқулланди.
2	2	Шоҳ кўча	Сўғдиёна, Куёвбоши, Янги диёр МФЙлар	Номсиз	Ислом Каримов	Шароф Рашидов туманининг Сўғдиёна, Куёвбоши ва Янги диёр маҳаллалари ҳудудидан ўтганлиги ҳамда Фориш тумани билан боғловчи туманлараро марказий кўча бўлганлиги сабабли ёндош маҳаллалардан ўтган қисми билан биргаликда ушбу марказий кўчага Ислом Каримов номини бериш таклифи маъқулланди.
Бошқа турдаги кўчалар						
3	1	Кўча	Қаҳрамон маҳалласи	Номсиз	Темирчилар	
4	2	Кўча	Қаҳрамон маҳалласи	Номсиз	Обиноввот	

5	3	Кўча	Қаҳрамон маҳалласи	Номсиз	Қундуз	
6	4	Кўча	Қаҳрамон маҳалласи	Номсиз	Ҳамал	
7	1	Кўча	Истиқлол маҳалласи	Номсиз	Бешарча	
8	2	Кўча	Истиқлол маҳалласи	Номсиз	Истиқлол	
9	1	Кўча	Тошкентлик маҳалласи	Номсиз	Маҳорат	
10	2	Кўча	Тошкентлик маҳалласи	Номсиз	Озод Шарафиддинов	
11	1	Кўча	Бўстон маҳалласи	Гулобод	Такомил	Бир туман доирасида Гулобод номли кўча такрорий бўлганлиги сабабли Бўстон маҳалласидаги Гулобод кўча номини Такомил номига ўзгартириш учун берилган таклиф маъқулланди.
12	2	Кўча	Бўстон маҳалласи	Номсиз	Мақсад	
13	3	Кўча	Бўстон маҳалласи	Номсиз	Юрт ифтихори	
14	1	Кўча	Тараққиёт маҳалласи	Номсиз	Учариқ	
15	2	Кўча	Тараққиёт маҳалласи	Номсиз	Гулшандиёр	
16	1	Кўча	Қулфисар маҳалласи	Номсиз	Оққарвон	
17	1	Кўча	Куёвбоши маҳалласи	Номсиз	Кавсар	
18	2	Кўча	Куёвбоши маҳалласи	Номсиз	Салоҳият	
19	3	Кўча	Куёвбоши маҳалласи	Номсиз	Қутлуғобод	
20	1	Кўча	Янгидиёр маҳалласи	Номсиз	Иймон	
21	2	Кўча	Янгидиёр маҳалласи	Номсиз	Иззат-икром	
22	1	Кўча	Халқобод маҳалласи	Номсиз	Шукуҳ	
23	1	Кўча	Ғозғонтепа маҳалласи	Боғичинор	Чорбоғинав	Шароф Рашидов тумани Маданият маҳалласида ҳам "Боғчинор" номли кўча мавжудлиги сабабли туман доирасида кўча номи такрорий бўлиб қолмоқда. Шу сабабли "Чорбоғинав" номига берилган таклиф маъқулланди.
24	2	Кўча	Ғозғонтепа маҳалласи	Номсиз	Баркамол	
25	1	Кўча	Пастки сўлоқли маҳалласи	Номсиз	Янгилик	
26	1	Кўча	Қанғли маҳалласи	Номсиз	Шоҳизинда	
27	2	Кўча	Қанғли маҳалласи	Номсиз	Хўжаобод	
28	3	Тор кўча	Қанғли маҳалласи	Номсиз	Нурискент-1	
29	4	Берк кўча	Қанғли маҳалласи	Номсиз	Нурискент-2	

30	5	Кўча	Қанғли маҳалласи	Номсиз	Янгимакон	
31	1	Кўча	Нурафшон маҳалласи	Номсиз	Табиблар	
32	1	Кўча	Ёйилма маҳалласи	Номсиз	Меҳмондўст	
33	2	Кўча	Ёйилма маҳалласи	Номсиз	Буғдойзор	
34	1	Кўча	Раваллиқ маҳалласи	Номсиз	Тегирмончилар	
35	2	Кўча	Раваллиқ маҳалласи	Номсиз	Шарқ йўли	
36	1	Кўча	Уч тепа маҳалласи	Номсиз	Холис	
37	1	Кўча	Зиёкор маҳалласи	Номсиз	Халқ сўзи	
38	2	Кўча	Зиёкор маҳалласи	Номсиз	Иккидарё	
39	1	Кўча	Совунгарлик маҳалласи	Номсиз	Зулфизар	
40	1	Кўча	Оқтошота маҳалласи	Номсиз	Тиниқсой	
41	1	Кўча	Туёқли маҳалласи	Номсиз	Чимён	
42	1	Кўча	Бобур маҳалласи	Номсиз	Эътибор	
43	2	Кўча	Бобур маҳалласи	Номсиз	Бедазор	
44	3	Кўча	Бобур маҳалласи	Номсиз	Заробод	
45	4	Кўча	Бобур маҳалласи	Номсиз	Янгидавр	
46	1	Кўча	Хайробод маҳалласи	Номсиз	Келдиёр	
47	1	Кўча	Шариллоқ маҳалласи	Номсиз	Ватандош	
48	2	Кўча	Шариллоқ маҳалласи	Номсиз	Довонсой	
49	1	Кўча	Ёшлик маҳалласи	Номсиз	Севинч	
50	2	Кўча	Ёшлик маҳалласи	Номсиз	Намуна	
51	3	Тор кўча	Ёшлик маҳалласи	Номсиз	Ёшлик-1	
52	4	Тор кўча	Ёшлик маҳалласи	Номсиз	Ёшлик-2	
53	1	Кўча	Умар маҳалласи	Номсиз	Қумработ	
54	2	Кўча	Умар маҳалласи	Номсиз	Кунчиқар	
55	1	Кўча	Нонисангил маҳалласи	Номсиз	Қўшкон	
56	1	Кўча	Работ маҳалласи	Номсиз	Шаэърият	
57	2	Тор кўча	Работ маҳалласи	Номсиз	Работ-1	
58	3	Тор кўча	Работ маҳалласи	Номсиз	Работ-2	
59	1	Кўча	Тинчлик маҳалласи	Номсиз	Нуржаҳон	
60	2	Кўча	Тинчлик маҳалласи	Номсиз	Шамсия	
61	1	Кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Шифокорлар	Туман марказий касалхонаси жойлашган номсиз кўчага Шифокорлар номини бериш таклифи маъқулланди.

62	2	Кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Шодлик	Янгиобод маҳалласида Шодлик-1, Шодлик-2, Шодлик-3 кўчалари мавжуд. Шу сабабли ушбу кўчаларни боғловчи кўчага Шодлик номини бериш таклифи маъқулланди.
63	3	Тор кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Шаҳриобод-1	
64	4	Тор кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Шаҳриобод-2	
65	5	Тор кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Садоқат-1	
66	6	Тор кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Садоқат-2	
67	7	Тор кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Садоқат-3	
68	8	Тор кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Нақшинкор-1	
69	9	Тор кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Нақшинкор-2	
70	10	Тор кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Нақшинкор-3	
71	11	Тор кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Салтанат-1	
72	12	Тор кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Салтанат-2	
73	13	Тор кўча	Янгиобод маҳалласи	Номсиз	Салтанат-3	

Xalq deputatlari Sharof Rashidov tuman Kengashining
2022 yil 1 avgustdagi
VI-39-121-3-46-K/22-son qaroriga
2-ilova

Шароф Рашидов тумани ҳудудидаги номсиз қабристонларга берилган янги номлар РЎЙХАТИ

Т/Р	Географик объектнинг тури	Жойлашган ўрни	Географик объектнинг амалдаги номи	Туман комиссияси томонидан берилган янги номлар	Изоҳ
1	2	3	4	5	6
1	Қабристон	Қаҳрамон маҳалласи	Номсиз	Қўшбармоқ	Қадимда ҳукмдорлар печат сифатида бош бармоқлари билан муҳр босишган. Шу даврларда мазкур ҳудуд ҳукмдорининг бошбармоғи иккита бўлганлиги сабабли ҳужжатларга ҳам қўшбармоқ билан муҳр босган. Шундан буён мазкур аҳоли яшайдиган ҳудуд Қўшбармоқ ҳудуди деб аталиб бошлаган. Шу сабабли тарихий "Қўшбармоқ" номини бериш таклифи маъқулланди.
2	Қабристон	Истиқлол маҳалласи	Номсиз	Биродарлик	Мазкур қабристонга "Биродарлик" номини бериш таклифи маъқулланди.
3	Қабристон	Истиқлол маҳалласи	Номсиз	Хонтепа	Мазкур қабристон жойлашган тепалик номи билан "Хонтепа" номи билан аталади. Шу сабабли "Хонтепа" номини бериш таклифи маъқулланди.
4	Қабристон	Тошкентлик маҳалласи	Номсиз	Ўрда	Жиззах шаҳридаги Ўрда номли тарихий жой яқинида жойлашганлиги сабабли тарихий "Ўрда" номини бериш таклифи маъқулланди.

5	Қабристон	Куёвбоши маҳалласи	Номсиз	Куёвбоши	"Элликбоши", "Туманбоши", "Мингбоши" каби мазкур ҳудудда яшаган йигитга куёвларга бош мазмунида "Куёвбоши" мартабаси берилган ва кейинчалик у яшайдиган ҳудуд ҳам шу ном билан аталган. Шу сабабли тарихий "Куёвбоши" номини бериш таклифи маъқулланди.
6	Қабристон	Янгидиёр маҳалласи	Номсиз	Эски Оқтош	Мазкур ҳудуддан оҳактошлар кони топилган ва халқ тилида ушбу ҳудуд Оқтош номи билан аталиб келган. Шу сабабли тарихий "Эски Оқтош" номи таклифи маъқулланди.
7	Қабристон	Янгидиёр маҳалласи	Номсиз	Сулағлиота	Мазкур қабристонга дастлаб "Сулуғлиота" деб аталувчи авлиё ота дафн қилинган. Шу сабабли тарихий "Сулуғлиота" номини бериш таклифи маъқулланди.
8	Қабристон	Сўғдиёна маҳалласи	Номсиз	Гандумтош	Илгари ўзларини эронликлар деб ҳисоблаган аҳоли томонидан мазкур қир-тошлоқли ҳудуд ерига буғдой экилганлиги сабабли форсча "Гандумтош",яъни "буғдой-тош" номи билан аталган. Шу сабабли ушбу ҳудуднинг тарихий "Гантумтош" номини бериш таклифи маъқулланди.
9	Қабристон	Қулфисар маҳалласи	Номсиз	Қулфисар	Мазкур ҳудуд авлиё отанинг "Қулфисар", яъни "қулфланган бош" мазмунидаги ном билан аталган. Шу сабабли тарихий "Қулфисар" номини бериш таклифи маъқулланди.
10	Қабристон	Халқобод маҳалласи	Номсиз	Арчамозор	Мазкур қабристонга **"Арчамозор"** номини бериш таклифи маъқулланди.
11	Қабристон	Олмачи маҳалласи	Номсиз	Тошлимозор	Мазкур ҳудуд тошлоқ ерлар бўлганлиги сабабли "Тошлимозор" номини бериш таклифи маъқулланди.

12	Қабристон	Ғозғонтепа маҳалласи	Номсиз	Қирқсадоқ	Мазкур ҳудуд дастлаб қирқ хонадон кўчиб келиб яшаб бошлаганлиги ва аҳолиси ўқ-ёй ясаш билан машғул бўлганлиги сабабли "Қирқсадоқ", яъни қирқта ўқ-ёй солинадиган асбоб номи билан аталган. Шу сабабли тарихий "Қирқсадоқ" номини бериш таклифи маъқулланди.
13	Қабристон	Ғозғонтепа маҳалласи	Номсиз	Гумбулоқ	Мазкур ҳудудда илгари мавжуд булоқ йўқолиб кетганлиги сабабли қирғоқчилик бўлган ва мазкур жой "гумдон бўлган булоқ" яъни, "Гумбулоқ" номи билан аталган. Шу сабабли тарихий "Гумбулоқ" номини бериш таклифи маъқулланди.
14	Қабристон	Раваллиқ маҳалласи	Номсиз	Раваллиқ	Мазкур қабристонга **"Раваллиқ"** номини бериш таклифи маъқулланди.
15	Қабристон	Туёқли маҳалласи	Номсиз	Хуросон	Мазкур қабристон Хуросон аҳоли пункти ҳудудида жойлашганлиги сабабли "Хуросон" номини бериш таклифи маъқулланди.
16	Қабристон	Работ маҳалласи	Номсиз	Малик ота	Мазкур қабристон кўп асрлик тарихий даврга мансуб бўлиб, дастлаб дафн этилган авлиё ота, яъни "Малик ота" номини бериш таклифи маъқулланди.
17	Қабристон	Работ маҳалласи	Номсиз	Ўртамозор	Мазкур ҳудудда жойлашган қабристонларнинг ўртасида жойлашганлиги сабабли "Ўртамозор" номини бериш таклифи маъқулланди.
18	Қабристон	Нонисангил маҳалласи	Номсиз	Тўқчора	Очарчилик даврида омон қолиш учун қаттиқ нонларни сақлаб, тенг бўлишиб омон қолган маҳаллий аҳоли "тўқликка чора топа олган" мазмунида мазкур ҳудуд Тўқчора номи билан аталган. Шу сабабли тарихий "Тўқчора" номини бериш таклифи маъқулланди.

19	Қабристон	Кўрпасой маҳалласи	Номсиз	Молгузар	Тарихий аҳамиятга эга бўлганлиги ҳамда "Молгузар" сўзининг луғавий маъносидан келиб чиқиб, "илонлар яшайдиган ҳудуд"га нисбатан мазкур ҳудуд Молгузар номи билан аталган. Шу сабабли тарихий "Молгузар" номини бериш таклифи маъқулланди.

Xalq deputatlari Sharof Rashidov tuman Kengashining
2022 yil 1 avgustdagi
VI-39-121-3-46-K/22-son qaroriga
3-ilova

Шароф Рашидов туманида қайта номланаётган маҳаллага берилаётган янги ном тўғрисида МАЪЛУМОТ

Т/Р	Географик объектнинг тури	Жойлашган ўрни	Географик объектнинг амалдаги номи	Туман комиссияси томонидан берилган янги номлар	Изоҳ
1	2	3	4	5	6
1	Маҳалла фуқаролар йиғини	Шароф Рашидов тумани	Қизлартепа	Бўстон	Жиззах шаҳрига тегишли бўлган Қизлартепа тарихий номининг мазкур маҳалла ва аҳолисига боғлиқлиги бўлмаганлиги ҳамда чўл-биёбон кўринишидаги қишлоқ охирги йилларда замонавий кўринишдаги бинолар, боғлар барпо этилганлиги сабабли аҳоли ташаббуси билан "Бўстон" номини бериш таклифи маъқулланди.